

Шурфа удумлар, аъсиб анъаналар

Ў
К
И
Н
Г,
К
И
З
И
К!

Янги йил — барча орзиқиб кутадиган байрамлардан бири. У ҳамма жойда кўтаринки кайфият ва эзу ияллар билан нишонланади. Файзли дастурхон атрофида жам бўлганлар бир-бирларига гўзал тилаклар билдиришади, эски йилда амалга оширган ишларини беихтиёр кўз олдларидан ўтказиб, яна янги режалар, орзу-умидлар ила навбатдаги йилни қарши оlishади.

Бу айёмнинг эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир халқ уни ўз удумлари, анъаналаридан келиб чиқиб нишонлайди. Кўйида уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Японлар эски йилнинг охириги куни ҳамма идишлардаги сувни тўкиб ташлайдилар ва булоқдан янги сув олиб келадилар. Йил тугаб, соат бонг ургач, каттаю кичик булоқ сувига ташланади. Ва бу билан гўё эски йилдаги айбларини ювишади.

Ҳиндистонда Янги йил куни одамлар маҳалла ва кўчаларни гул билан тўлдиришади. Бу ерда кенг тарқалган ривоятга қараганда, шу куни энг адолатли подшоҳ Махабали келиб, фуқароларга ризқ-насиба улашармиш.

Хитоёда бир ажойиб одат бор. Яъни Янги йилнинг биринчи кунини сўкиниш ва жанжаллашиш асло мумкин эмас.

Гвинеяликлар Янги йилнинг биринчи кунини фил етаклаб юрадилар. Чунки бу давлатда филлар саломатлик ва тинчлик рамзи саналади.

Венгрияликлар эса байрам дастурхонини жуда тўкин безатадилар. Аммо тановул учун парранда гушти қўйилмас экан. Уларнинг иримига кўра, парранданинг қаноти бор ва у дастурхондан жой олса, хонадон бахтини кўтариб кетиши мумкин.

Испанияда соат қўнғироқлари 00:00 га бонг уриши билан 12 дона узум ёки майиз тилак айтиб ейилади.

Вьетнамликлар Янги йил кечаси дўстларига шафтоли новдаси совға қиладилар ва гулхан атрофида мириқиб суҳбатлашиб ўтиришни одат тусига киритганлар.

Буюк Британиянинг баъзи ҳудудларида "Янги йилни киритиш" удуми мавжуд. Яъни соат 00:00 га бонг уриши билан унинг орқа эшиги очилиб, эски йил чиқариб юборилади. Кейин эса олд эшикдан Янги йил кўтиб олинади.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.



«Аммофос-Максам»

очик акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини, юртимиз меҳмонларини ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётганларни

Янги — 2013 йил

билан самимий муборакбод этади!

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда асрларга таййиқлик қилган ишлар амалга оширилди.
Бунда биз меҳнат қилаётган корхона ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан мамнунмиз!
Барчанизга байрам кайфияти йил давомида ёр бўлишини тилаймиз.
Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик тўйиқлари тарқ этмасин!



ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни

Янги — 2013 йил — Обод турмуш йили

билан чин дилдан муборакбод этади!

Ҳар бир хонадондан файзу барака,
фаровонлик аримасин.
Юртимиз тинч, мамлакатимиз тараққиёти
бардавом бўлсин!

Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!



(«Халқ сўзининг навбатдаги сони 4 январь — жума куни чиқади».)

<p>Халқ сўзи Народное слово</p> <p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</p>	<p>Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ</p> <p>2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.</p> <p>ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.</p>	<p>Тахририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.</p>	<p>• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.</p>
<p>ISSN 2010-8788</p>		<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 15.45 Топширилди — 16.50 1 2 3 4 5</p>	